O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 5 ноябрь, №226 (3338) Чоршанба

Муносабат

Мана, иккинчи йилдирки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Ёзёвон тумани тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилган. Ўз сафига 911 та фермер хўжалигини бирлаштирган туман фермерлар уюшмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонини фермерликни янада ривожлантиришнинг ойдин йўлини белгилаб берувчи ҳужжат сифатида баҳолашмоқда.

Биз «Фермерлар уйи»ида бўлиб, бир гуруҳ фермерлар билан суҳбатлашдик.

Фермерликнинг ойдин йўли

Адҳамжон ШЕРМАТОВ, «Толқудуққум-97» фермер хўжалиги раҳбари:

– Марказий Фарғонанинг асов табиати, қўриқ ерларида фермер хўжалиги ташкил этишга ҳар кимнинг ҳам юраги дов бермас эди. Шундай бўлса-да, бундан уч йил аввал бутун масъулиятни зиммамизга олиб, «Толқудуққум» массивининг янги ўзлаштирилган ерларида фермер хўжалиги тузгандик. Бугунги кунда интилишларимиз ниятларимизга яраша бўляпти. Ҳар йилгидек, бу йил ҳам биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажардик. 96,3 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28,1 центнердан хирмон уйилди. Қабул пунктларига 270 тонна ҳосил топширилган бўлса, ҳаммаси биринчи навга сотилди.

Муҳими, йилдан-йилга имкониятларимиз кенгайиб, шароитимиз яхшиланиб бораяпти. Техникамиз етарли, бари мукаммал созланган. Ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари таъминотида ҳам узилишлар йўқ. Фақат ишлаш керак.

Лекин, «Шоли кўрмаксиз бўлмайди», деганларидек, ютуқларимизни кўролмайдиган пинҳона «рақобатчи»лар ҳам топилиб қолаяпти. Уч йилдан бери фаолият кўрсатаётган бўлсак, бошимиз текширтекширдан чиқмайди. Мени ягона қонун асосида ишлаётган судларнинг хулосалари, якунлари бир-бирига тўғри келмаслиги ажаблантиради. Бир суд бундоқ қарор чиқарса, яна бири бошқача йўл тутади. «Ёпирай, қонун биттаю, қарорлар ҳар хил» деб ёқа ушлайсан, киши.

Шу маънода, Фармоннинг еттинчи бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фермер хўжаликларининг қонуний манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминласин, уларнинг хўжалик фаолиятига бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний аралашишига уриниш ҳолларига қатъий чек қўйсин» деган талаблар менга жуда маъқул келди. Зора, энди тўрачалар, сансалорчиларнинг пайи бутунлай қирқилса!

Мамасоли ТЎРАҚУЛОВ, «Мустақиллик» фермер хўжалиги раҳбари:

– Фармоннинг ҳар бир бандини қизиқиб ўқиб чиқдим. Бу тарихий ҳужжат нафақат фермерлик ҳаракатини ривожлантиришнинг ойдин йўлини белгилаб беради, балки фермерларнинг манфаатларини ҳам ҳимоя қилади. Қолаверса, фермерларнинг давлат, эл-юрт олдидаги масъулиятию мажбуриятини оширади.

Сир эмас, фермерликни шунчаки оддий иш, енгилгина ташвиш деб, соҳага адашиб кириб қолганлар ҳам бор, албатта. Фармоннинг учинчи бандидаги «Белгилаб қўйилсинки, танлов асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларга ерни узоқ муддатли ижарага беришда қишлоқ хўжалиги экинлари, биринчи навбатда пахта ва ғалла ни етиштиришга кетадиган барча харажатлар фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қопланиши тамойилига қатъий риоя қилиниши зарур... Камида уч йил давомида мунтазам равишда бу тамойилга амал қилмаган фермер хўжаликлари билан ерни ижарага бериш шартномаси бекор қилиниб, ўзи тарқатиб юборилади», деган гаплар ана шу тасодифий фермерлар қулоғига огоҳлик бонгидай янграйди, деб ҳисоблайман.

Ёзёвон бугунги кунда «Фермерлар диёри» деб аталмоқда. Биз ушбу қутлуғ номга муносиб бўлишга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозиргача олти гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, шартнома режасини уддаладик. Эндиликда эса ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга ҳаракат қилаяпмиз.

Набижон СОБИРОВ ёзиб олди.

Пойтахтимиздаги «Фотон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича мамлакатимизнинг етакчи корхоналаридан ҳисобланади. Айни чоғда мазкур корхонада назорат касса машиналари, телевизор ва радиоожиҳозлар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, улар ўзининг сифати жиҳатидан харидорларга манзур бўлмоқда.

Яқиндан бошлаб эса корхонада қуёш батарейкалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айниқса, корхонада тайёрланаётган ярим ўтказгичли диод ва транзисторларга хорижда ҳам талабгорлар кўпайиб бормоқда.

СУРАТДА: илғор ишчи Ферузахон Аҳмедова.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

АҚШ СИЁСАТЧИСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Ф.АРЗИЕВ).

Юртимизда меҳмон бўлиб турган АҚШнинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази консултанти, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси Збигнев Бжезинский 4 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур академия ректори А.Азизхўжаев Збигнев Бжезинский фаолияти, унинг жаҳон сиёсатшунослик фани олдидаги хизматлари тўғрисида сўзлади.

З.Бжезинский ўз сўзида Ўзбекистоннинг ўзига хос мамлакат эканлигини таъкидлади. У мамлакатимизнинг минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни сақлашдаги ҳиссасига юксак баҳо берди.

Шу куни меҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтига ҳам ташриф буюрди. Учрашувда З.Бжезинскийнинг мамлакатимизга мазкур ташрифи илмий тадқиқотлар соҳасида Ўзбекистон — АҚШ алоқаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Америкалик таниқли сиёсатшунос икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугуни ва истиқболига оид долзарб масалалар, турли минтақалардаги сиёсий вазиятлар ҳақида сўзлади, институт ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Фармон ва ижро

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ АСОСИ

Замонавий жарроҳлик фундаментал ва амалий билим соҳаларидаги муҳим ютуқларни доимий равишда ўзлаштириб, уларни соғлиқни муҳофаза қилишга йўналтиради. У жадал ривожланиб, нафақат ўз имкониятларини кенгайтиради, балки тиббиётнинг бошқа йўналишларига кучли рағбатлантирувчи таъсир ўтказади. В.Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази фаолияти бунинг яққол далилидир.

30 йил аввал Тошкент давлат тиббиёт институти жарроҳлик шифохонаси базасида бошланган йўл маълум маънода Ўзбекистон жарроҳлиги ривожланиш тарихи ҳисобланади. Республика пойтахтида бундай йўналишдаги илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббуси академик Восит Воҳидов — буюк жарроҳ, олим, соғлиқни сақлаш ташкилотчисига тегишли. Айнан шу ерда унинг тиббиётда юқори самарали натижаларга эришиш ва янги технологияларни ишлаб чиқиш учун комплекс тадқиқот фаолиятини олиб бориш зарурлиги ҳақидаги ғояси амалга ошди. У кўп бор вақт синовидан ўтди ва юқори баҳоланди. Президент Ислом Каримовнинг Фармонига кўра, жорий йил 25 августда марҳум В.Воҳидовнинг "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланиши олим хизматларининг навбатдаги эътирофи бўлди.

Ўзбекистон раҳбариятининг ижтимоий йўналтирилган сиёсатида аҳоли саломатлигини сақлашни ташкил этиш, ташҳис ва даволашнинг энг илғор услубларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам умумреспублика тизимини яратиш катта ўрин тутади. Мақсадли давлат дастури амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг 2003 йил 26 февралдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур соҳа ривожланишига катта туртки бўлди. Унга мувофиқ мамлакатимизда йирик шифохоналар базасида ихтисослаштирилган тиббий марказлар ташкил этила бошланди.

Бугунги кунда В.Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази жарроҳликнинг бир қатор йўналишлари бўйича нафақат республикамиз ва Марказий Осиё минтақасида, балки МДҲ мамлакатлари орасида биринчиликни эгаллаб келмоқда. Бу ерда ўз ишланмалари асосида ноёб операцияларни бажаришади. Биринчи навбатда, улар ҳаётий муҳим аъзоларни тикловчи жарроҳликка алоқадор. Очиқ юракда операцияларни амалга ошириш билан бирга ишлаб турган, сунъий қон

(Давоми 2-бетда).

Вазифалар белгиланди

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгашининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Марказий кенгаш раиси А.Абдуқаҳҳоров бошқарган йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида илгари сурилган вазифаларни кенг ёритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар дастури ижросини таъминлаш юзасидан ташкилотнинг тўққиз ойлик иш якунлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Қуролли Кучлар учун ҳарбий-техник мутахассислар етиштириш ҳамда чақирилувчи ёшларни армия сафига тайёрлаш сифатини янада ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Ватан ҳимояси ҳақидаги ғояларини кенг тарғиб қилиш, ўсмирларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-техник жиҳатдан етук, жисмонан бақувват ҳимоячи этиб тайёрлаш масалаларига асосий эътибор қаратилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

(ЎзА).

Чироқчиликлар маррадан ўзишди

Чироқчи тумани пахтакорлари бу йил вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартномавий режасини бажардилар. Қабул пунктларига 26 минг 800 тонна «оқ олтин» топширилди. Пахтачиликдан жорий йилда 5 миллиард 700 миллион сўм, шундан, 3 миллиард сўм соф фойда кўриш кўзда тутилмоқда. Далаларда ҳали ҳосил мўл. Туман, пахтакорлари режага қўшимча яна 2 минг тонна пахта топшириш мақсадида меҳнат қилишмоқда.

Н. РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Т.Рисқиев Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қироличаси Елизавета II Зоти Олияларига ишонч ёрлиқларини топширди.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида Зоти Олиялари Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги муносабатларга қизиқиш билдирди, таълим, маданият, илм-фан ва тиббиёт соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорликни ижобий баҳолади.

"Жаҳон" АА.

САМАРҚАНД СУРЪАТИ

ТОҒ-ТОҒ «ОҚ ОЛТИН» яратишга, пахтакор даромадининг ошишига хизмат қилади

Президентимиз Ислом Каримов шу йилнинг август ойида Самарқандда бўлганларида, вилоят иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ҳақида гапириб, эришилаётган ютуқларни мамнунлик билан қайд этган эди. Ва шу билан бирга, соҳа ходимлари олдига жиддий вазифалар ҳам қўйганди. Бу самарқандлик пахтакорлар ғайратини жўштириб юборди.

Ёзувчилар пахта далаларида

Улар бу кун ҳар жабҳада қайноқ меҳнат билан банд. Айниқса, кейинги икки йилдаги ижобий ўзгаришлар, эришилган ютуқлар кўп. Гулу гулзорларга бурканган шаҳар ва қишлоқларда эзгулик, гўзаллик намоён. Одамлар қалбидаги орзу-умидлар ширин мевага айланди.

Ўтган йили ғалладан мўл ҳосил яратилди. Омборлар, хонадонлар донга тўлди. Бу йил эса бултурги натижадан ҳам ўзиб кетилди. Ғаллачиликда Самарқанд тарихида энг юқори ҳосилдорликка эришилди. Пахтакорларнинг эса шашти янада баланд. 235 минг тонналик хирмон яратиш ишқида куйиб-пишаётган пахтакорлар белгиланган маррани забт этиш арафасида.

Вилоятда тиббиёту маданият ходими, хуллас, ҳамма-ҳамма пахтакорга кўмакка келган. Вилоят ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган маданий-маърифий хизмат кўрсатиш гуруҳи ҳар куни пахтазорда. Даланинг ўзида ўтказилаётган учрашувлар шеърхонлик, куй-қўшиқ, рақсларга уланиб кетмоқда.

Нарпайлик пахтакорлар бу йил ҳам одатий анъаналарига содиқ қолишди. Гарчи улар ўтган йилдагига нисбатан роппа-роса 20 кун кейин йиғим-теримга киришган бўлсалар-да, маррани биринчи бўлиб забт этишди. Она-Ватан хирмонига 30 минг 200 тоннадан ортиқ сифатли саноат хомашёси етказиб берилди.

Эришилган ғалабани туман ҳокими Акбар Жамилов шундай изоҳлайди:

– Мустақиллик, том маънода, пахтакорга эркинлик берди. Деҳқоннинг ерга, меҳнатга муносабати батамом ўзгарди. Шу йилдан эътиборан пахта харид нархларининг кескин ошганлиги Президентимиз томонидан деҳқонларга кўрсатилган катта ғамхўрлик бўлди. Илгари бир гектар майдондан 3-3,5 тонна ҳосил олган пудратчи ҳам, фермер ҳам бу йил шунча майдондан 4,5 тоннагача ҳосил йиғиб-териб олди.

Нарпайнинг ҳар бир деҳқонига пахта илми ёд бўлиб кетган. Йил оғир келадими, табиат инжиқлик қиладими, сув танқислиги юз берадими, у ҳаммасига чидайди, ҳамма қийинчиликни енгиб ўтади. Ҳеч қачон баҳона қидирмайди, ялқовлик қилмайди. Шу сабаб ҳам Нарпай ҳамиша илғор.Деҳқони ҳам, раҳбари ҳам ҳамиша сўзининг устидан чиқади.

Нарпай пахтазорларидан қайтар чоғимизда шоирнинг қуйидаги мисралари бот-бот ёдимизга келаверди:

Алп йигитлар, елкалари кенгларим,
Гўзал қизлар, юлдузларга тенгларим,
Катталарнинг ўгитини тингларим,
Ҳеч кимда йўқ қудрат
Сизда бор бугун,
Жонларим, Сизлар ҳам
пахтакор бугун.

Жомбойдаги Хўжам Низаматов номли ширкат хўжалиги раиси Аваз Эргашевни йўқлаб идорасига бордик. Шерикларимиздан бири "Хайрият, раис шу ерда экан, ана хизмат машинаси" деб қолди. Аммо шеригимиз адашган экан. Раис азалий одатига кўра, машинани қолдириб, далаларни яёв айланишга чиқиб кетган экан.

Аваз ака тушида ҳам пахтани кўриб чиқадиганлардан. Унинг бирпас тиниб ўтирганини кўрмайсиз. Қачон қараманг, далада, яна пиёда.

Суҳбатлашиб қолсангиз, Юртбошимизнинг ўтган йили у бошлиқ хўжаликка келганини, пахтакорларга йўл-йўриқ кўрсатганини мароқ билан ҳикоя қилиб беради. Ютуқлар сабабини сўрасангиз, "Пудратчиларимиз ишлашаяпти, барака топишсин" деб қўяди. Ана шу камтар, камсуқум инсон — бугун Ўзбекистон Қаҳрамони. Дўстларининг таъбири билан айтганда, ғўзанинг гулию кўсагини санаб, бугдойнинг бошоғига термулиб, одамлар қалбига қулоқ тутиб топди у "Олтин юлдуз"ни!

Қаҳрамон бошлиқ хўжалик давлатга пахта сотиш режасини вилоятда биринчилардан бўлиб бажарди. Режадаги 750 тонна ўрнига 960 тоннадан ортиқ юқори сифатли хомашё тайёрлангани, йиғим-теримнинг эса ҳамон давом этаётганининг ўзиёқ, хўжалик пахтакорларининг қай даражада меҳнат қилаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Кейинги беш йилда пахта тайёрлаш режаси уддаланмаган, ҳатто айрим йиллари мўлжалдаги ҳосилнинг учдан бири ҳам тўпланмаган. Пайариқ туманида ҳам бу йил жиддий ўзгариш ясалди. Туманда фермерларга катта ишонч билдириб, адашишмаган экан. Ўтган йили мавжуд 27700 гектар экин майдонининг 25500 гектари фермерлар ихтиёрига берилган эди-да.

–Пахта майдонимиз 13 минг гектар, — дейди Шоҳимардон Ғуломов. – Қарангки, ҳосил пишиб етилгунга қадар шунча майдоннинг бир гектарида ҳам ўт босган ёки чанқаган ғўза-

(Давоми 2-бетда).

Обуна 2004

Кечга қолган армон қилур

Муҳтарам газетхон!

Ҳозирги замонда жамият қонунлари, меъёрий ҳужжатларни билмасдан яшаб бўладими?

Мамлакатимизда, Ер юзида рўй берган воқеалардан бехабар юриш мумкинми?

Кундалик газетани кузатмай, замондан ортда қолиш тўғри келадими?

*Йўқ, дейсизми? У ҳолда вақтни бой бермай **«Халқ сўзи»** га обуна бўлинг.*

ГАЗЕТА:

Бу — ҳаётимиз кўзгуси
Ҳам тафаккурнинг кўзи.
Сизга ҳамроҳ, маслаҳатгўй,
содиқ дўстдир — «Халқ сўзи»!

Нашр индексимиз — 229

САМАРҚАНД СУРЪАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

га дуч келмадик. Асосийси, харажатларнинг қисқаргани. Биргина нефть маҳсулотларидан фойдаланиш ўтган йилдагига нисбатан 40 фоиз камайди. Пахтанинг ўзидан 6 миллиард сўмдан ортиқ даромад келиши кутилаяпти.

"Қўнғирот-НГС" фермер хўжалигининг раиси Салоҳиддин Тўрақуловни далада, хурсанд ҳолда учратдик.

— Фермернинг косаси оқарадиган пайт келди, — деди у. — Президентимизнинг яқингинада чиқарган Фармони билан танишиб чиқдим. Энди биздан талаб катта, ғамхўрлик ҳам ана шу талабга яраша бўлади. Демак, ишлашимиз керак. Ҳамма имконият, шароит яратиб қўйилгач, ишлаймиз-да, албатта. Ҳозир 17 гектар ерим бор. 13 гектар пахта майдонидан 40,5 тоннадан ортиқ ҳосил олдим. Бу — йиллик режанинг 140 фоизига тенг. Давлат буюртмасида кўрсатилган ҳосилнинг ҳаммасини биринчи навга сотдик.

Суҳбатга тумандаги "Самарқанд" ширкат хўжалиги раиси Сайдулла Бойзоқов қўшилади:

— Хўжалигимизга тегишли 769 гектар майдоннинг 371 гектари фермерларга берилган. Хўжалик ҳам, фермерлар ҳам мўлжалдагидан ортиқ пахта етиштириб, белгиланган режани уддалади. Аммо хўжаликка нисбатан камроқ майдонда деҳқончилик қилган фермерлар ҳосилининг салмоғи чўғли бўлди. Ўз-ўзидан бу фермерчиликнинг афзаллигини кўрсатади.

Табиат қийинчиликлари, об-ҳаво инжиқликларига қарамай, самарқандлик пахтакорларнинг мўл ҳосил етиштирганликлари ва йиғим-теримни юксак уюшқоқлик билан ўтказаётганликларининг боиси нимада? Асосийси, вилоятда ҳосилнинг камида 80 фоизи юқори навларга тоширилиши бош мақсад қилиб қўйилган экан, қандай омиллар туфайли ана шундай улуғ ниятга эришилади?

Бугун вилоят пахтазорларида бўлган, пахтакору теримчилар билан суҳбатлашган киши бу саволларга аниқ жавоб топади.

Биринчидан, йиғим-терим даврида "Самарқанд услуби" жорий этилгани. Мавсум иштирокчиларига барча шарт-шароитларнинг яратиб берилгани.

"Самарқанд услуби"нинг бош мазмуни пахтани тоза теришга қаратилган. Пахта йиғим-терими эндигина бошланган кезларда дастлаб Иштихон туманида ана шу услубнинг гувоҳи бўлдик. Пахталари қийғос очилган пайкаллар байроқчалар билан бўлиб қўйилган эди.

— Ана шу икки байроқча орасидаги пахтазор ҳосили тўлиқ терилмагунча, бошқа пайкалга ўтишга рухсат берилмайди, — дея тушунтиради Дагар Очилов номли ширкат хўжалиги раиси Зайниддин Зиётов. — Пахтага жалб этилган маҳалла оқсоқоллари ва яна бошқа обрўли кишиларга назорат қилиш учун 150 гектардан майдон ажратилган. Ҳар беш кунда тарқатиладиган терим пулининг эгаларига ўз вақтида етиб боришини таъминлаш ҳам назоратчилар зиммасида. Теримчиларни иссиқ овқат билан доимий таъминлаш эса ширкат ва фермер хўжаликларига юклатилган.

Оқдарё туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги раиси Аҳад Исмоилов савдо ходимлари ва санъаткорлар хизматидан мамнун эканлигини, терим пуллари ўз вақтида тарқатилаётганини айтди. Дарвоқе, хўжаликда бўлган кунимиз тушлик пайтида туман маданият уйи санъаткорлари пахтазорда концерт намойиш этишди.

Ҳали қуёш ўз ётоғига бош қўйиб улгурмаганди. Кечки салқин дилларга ҳузур бағишлайди. Пахтазор ёнидан оқиб ўтаётган каттагина ариқдаги зилол сувга қараб ором оласан. Ёнгинангдан оппоқ пахта юкланган қўш тележкани тортиб трактор тириллаб ўтади. Бу пахтазордаги яна бир унумли меҳнат кунининг ниҳояланаётганидан дарак эди.

Маданий-маърифий хизмат кўрсатиш гуруҳи тушган автобус эса чўл бағридаги Нуробод тумани сари йўл олади. Ёшлардек сарғайрат, ҳамиша қувноқ гуруҳ аъзоси, вилоят "Нуроний" жамғармаси раиси Ҳасан Нормуродов вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Фармон Розиқовдан ён дафтарча сўрайди. Сўнг ўйларини бир жойга жамлаб, бирпасдан сўнг нималарнидир ёза бошлайди.

Ҳасан аканинг қораламаларини ёнида ўтирганлардан бири баланд овозда ўқийди:

Ер остида бойлик, ер устида бойлик,
Нуробод аталмиш туман чиройлик,
Пахта ишқи билан ёнган қизларда
Қора қош, сумбул соч,
суман чиройлик.

Гуруҳдаги шоирлардан бири шеърни давом эттиради:

Сонсиз чеварлари чўлларни тутган,
Пахта карвонлари йўлларни тутган.
Чўлни обод қилиб, Ватанга — элга,
Танти деҳқонлари гулларни тутган.

Кичик мушоирадан сўнг республикада хизмат кўрсатган артист Эркин Қайтаровнинг илҳоми келди. Аввалига хоманда Нигора Сиддиқова, кейин бутун автобусдагилар унга жўр бўлишди.

Автобусда бошланган қувноқ кайфият бир оздан сўнг Нуробод пахтазорларига кўчди.

Асосан чорвачиликка ихтисослашган бу туманда кейинги йилларда пахта ҳам етиштирила бошлади. Вилоятнинг жанубида, Қашқадарё чегарасида жойлашган Нурободнинг табиати бошқа туманларга нисбатан ўзгачароқ. Иссиқлик ҳаракати юқорилиги туфайли бу ерда пахта эртароқ очилади. Одамлари меҳнатга чанқоқ. Шу сабаб ҳам ҳар йили туман вилоятда биринчилардан бўлиб маррани забт этади. Бу йил ҳам шундай бўлди.

Вилоятда тайёрланадиган пахтанинг энг кўп қисми Пастдарғом тумани ҳиссасига тўғри келади. 36100 тонналик юки бор туманнинг бир неча хўжаликлари далаларини айландик. Теримчилар, пудратчилар, фермерлар билан суҳбатимиз кўр олди. Пахтакору ҳашарчиларнинг даланинг ўзида, жарақ-жарақ пулларни санаб олаётганининг гувоҳи бўлдик. Нафақат пул, теримчиларга ўша куни анча миқдорда пахта ёғи ҳам тақсимлаб берилди.

— Бу "Самарқанд услуби"нинг шарофати, — деб изоҳ берди Салом Турсунов номли ширкат хўжалигининг раиси Йўлдош Жўраев. — Теримчи терим пулидан ташқари ҳар 30 кило пахтасига бир килодан ёғ олади. Бу тўлиқ рағбатлантириш ҳисобидан. Демак, бир килограмм пахтага тўланадиган ҳақ 60 сўмдан ортаяпти.

Самарқандлик тажрибали пахтакорларнинг тили билан айтганда, Аллоҳ уларни қўллаб-қувватлаяпти. Кўзланган манзил эса кун сайин, соат сайин яқинлашаяпти.

Демак, пахтакорнинг қувончли онлари яқин. Қўша-қўша тўйлари, яна кўксини тоғ айлаб мағрур боқишлари яқин.

Хосият БОБОМУРОДОВА,
"Зарафшон" нашриёти раҳбари, шоира.
Ориф ҲОЖИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд вилояти бўлими масъул котиби.
Абдурасул САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ИНСОННИНГ ШАЪНИ УЛУҒ

Аслида хато қилган одамни тергаш, уялтиришнинг ўзи жазо. Билиб-билмай, эҳтиётсизлик орқали жиноят содир этганларни тергов идораларига чақириш эса унданда оғир жазо ҳисобланади. Чунки инсон шу идорага етиб келгунича ич-этини еб, тавбасига таянади. Шунинг ўзи тушунган одамга бир умрга етади. Мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштиришга шу нуқтаи назардан ёндошилди, десак хато қилмаган бўламиз. Унинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши кўпгина инсонларнинг меҳрини қозонганини ҳам айтишимиз керак. Бунга табиийки, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойиллари кучайиб бораётгани туфайли эришилмоқда.

Президентимиз Олий Мажлиснинг VI сессиясида жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки авваламбор, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини англаб етишига боғлиқ эканлигини асослаб берган эдилар.

Ана шу сессияда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Биз ушбу Қонунга янгилик бўлиб қирган Ярашув институти ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Шўро давридаги қонунларнинг шафқатсизлиги ҳамон ёдимизда. У дамларда эр-хотин, ака-ука ёки опа-сингил, қўни-қўшнилар ўртасида бўлган ўзаро жанжаллар учун, ҳатто улар бир-бирларини кечириб, ярашиб кетган тақдирда ҳам давлатнинг ўзи даъвогар дея жиноят иши қўзғатиб, тергов ҳаракатлари олиб борилиб, суднинг айблов ҳукмлари чиқарилар эди. Оқибатда арзимас сабаб билан айрим оилалар бузилиб, яқин қариндошлар бир-бирлари билан юз кўрмас бўлиб кетарди. Ёки бўлмаса ўзганинг мулкини кўп бўлмаган миқдорда ўзлаштириш, талон-торож қилиш, шунингдек, фирибгарлик жиноятини биринчи марта содир қилган шахслар қилмишларига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда ҳам даъвогарнинг даъвоси бўлмаса-да уларга нисбатан суднинг айблов ҳукми чиқарилар эди. Маълумки, ҳозир ҳаётда татбиқ этилаётган жазоларни либераллаштиришга доир қонунда юқоридаги сингари жиноий қилмиш содир этганларни жиноий жавобгарлик, бошқача айтганда қамоқ билан боғлиқ бўлган жавобгарликдан озод қилиш белгилаб берилди.

Бағрикенглик

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига янги 66-[1] моддаси киритилиб, унга кўра ЖКнинг 26 та моддасида назарда тутилган жиноятларни шахс биринчи марта содир этса, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, айбдор жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Кучга кирганига икки йилдан ошаётган либераллаштиришга оид қонунни амалда татбиқ этиш юзасидан судларимиз томонидан талайгина ишлар амалга оширилди. Ушбу Қонун кучга кирган кундан бошлаб токи жорий йилнинг октябрь ойига қадар вилоятимиздаги биринчи босқич судлар томонидан 623 жиноят иши бўйича 674 шахсга нисбатан апелляция инстанцияси судлов ҳайъатида, бир иш бўйича бир шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66[1]-моддаси қўлланилиб, айбдор шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Фуқаро Загарин Василий ўтган йили 19 ноябрь куни спиртли ичимлик ичган ҳолда Термиз шаҳрида яшовчи Криватулской Александрнинг уйи олдига келади. Сўнг девордан ошиб ўтиб ҳовлида турган 70 минг сўмлик велосипедни ўғирлаб кетади. Загаринга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов да ва судда аниқланишича, айбдор муқаддам судланмаган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон, етказилган зарарни тўлиқ қоплаган. Даъвогар ҳам уни кечириб, даъвосидан воз кечган. Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди жорий йил 14 январь куни ушбу ишни кўриб чиқиб, уни ҳаракатдан тугатиш ҳақида ажрим чиқарган. Ёки бўлмаса Термиз шаҳрида яшовчи Ҳамид Тўхтамуродов 2003 йил 20 март куни Ҳайитой Очилдиева билан ўзаро жанжаллашиб қолади. Кейин жаҳл устида аёлни уриб, енгил тан жароҳати етказади. Оқибатда Ҳ.Тўхтамуродовга нисбатан ЖКнинг 109-моддаси, 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган. Тергов жараёнида айбдор жабрланувчидан кечирим сўрайди. Иккови ўзаро ярашади. Шундан кейин жиноят иши ярашув битимига асосан суднинг ажрими билан ҳаракатдан тугатилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ярашув институтининг жорий этилгани инсонпарварликнинг юксак намунаси бўлди. Унинг натижаси ўлароқ минглаб одамлар судланганлик тамғасидан сақлаб қолинди. Табиийки, бу ҳол шахснинг тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

Бозорбой ҚОДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судининг раиси.

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

айлантириш тизимига уланмаган юракда ҳам операциялар, масалан аортокоронар шунтлаш амалга оширилмоқда. Бунда энг замонавий тиббий технологияларни қўллаш талаб этилади. Жарроҳлик аралашувининг самарадорлиги анча ошади.

Ҳисоб-китобларга кўра, бугун бундай операцияларга талаб жуда катта бўлиб, йилига 20-25 мингтага етади. Уларни бажариш бўйича асосий оғирлик В.Воҳидов номидаги марказга тушади. Шу сабабли мутахассислар бу ерда қўшимча равишда Кардиожарроҳлик марказини очишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобламоқда.

Албатта, бундай операциялар қимматга тушади — ўртача беш миллион сўм. Бунда қийматнинг асосий қисмини бевосита юқори малакали тиббий хизматларга ҳақ тўлаш эмас, асосан бир марта ишлатиладиган ноёб ускуналар ва қурилмаларга кетган харажатлар ташкил этади. Дарвоқе, чет элда бундай операциялар бир неча баробар қиммат туради. Ҳар ким ҳам бунча пулни тўлай олмаслигини ҳисобга олиб, Президент Фармонига кўра Марказда бепул хизмат кўрсатиладиган аҳолининг 9 тоифаси белгилаб қўйилди. Улар орасида ногиронлар, ишламайдиган нафақахўрлар, кам таъминланганлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари. Бундан ташқари Молия вазирлиги билан биргаликда даволашга муҳтож қолган беморлар учун ҳам имтиёзли тарифлар ишлаб чиқилди. Улар қанчага тушишига қараб операция ҳақиқий қийматининг 8 фоиздан 40 фоизгачасини тўлайди. Яъни, харажатларнинг асосий қисмини давлат ўз бўйнига олади.

Марказда жарроҳлик ёрдамининг бошқа йўналишлари бўйича ҳам илғор халқаро меъёрларга жавоб берадиган ташҳис ва даволаш стандартлари ишлаб чиқилган. Бўлимлар ҳам хорижлан келтирилган, ҳам ўз мутахассислари томонидан яратилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Масалан, қорин бўшлиғи операциялари эндиликда асосан лапароскоп ва эндовизуал ускуналар ёрдамида амалга оширилмоқда. Уларнинг афзаллиги — жароҳатланиш камлигида, шу сабабли бемор илгари жуда жиддий деб ҳисобланган операциядан 2-3 кун ўтгач, уйига кета олади.

Бу ерда дунёдаги энг йирик ва МДҲ мамлакатларида ягона бўлган баромарказ фаолият кўрсатмоқда, унда кислород етишмаслиги билан касалланган беморларни даволашади. Компьютер томографияси, "гамма-камера" ва сўнгги авлод ультратовуш тизимлари қўлланмоқда. Улар турли касалликлар ривожланишига ўз вақтида ташқис қўйиш имконини беради.

Марказ олимларининг кўп йиллик тадқиқотлари янги йўналиш — лазер жарроҳлигига асос бўлди. Ихтисослашган бўлим ходимлари физиклар билан бирга лазер нурланишининг ноёб манбаларини ва дунёда ўхшаши йўқ жарроҳлик асбобларини яратишди. Ҳозир улар аргон лазернинг янги турини яратиш устида ишламоқда. Бундай қурилма дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларида бор. Ўзимизда ҳам бу каби қурилманинг яратилиши жарроҳларимизга жуда аниқлик талаб қиладиган операцияларни ўтказиш имконини беради. Лазернинг тажриба намунаси муваффақиятли синовдан ўтказилмоқда.

Жигар циррози ва унинг оқибатлари жарроҳлик йўли билан даволанадиган Марказий Осиёда ягона шифохона ҳам В.Воҳидов номидаги республика марказидир. Бу ерда ишлаб чиқилган унинг янги услубиятлари бугунги кунда жаҳонда машҳур бўлиб кетди. Уларни ўрганиш бир неча халқаро илмий-амалий конференциялар мавзуси бўлди. Тикловчи ва пластик соҳада ўз технологиялари яратилди. Улар микроскоп остида кўзга кўринмас энг кичик томирларни тикиш имконини беради. Рентгенжарроҳлик услублари, томирларни эндопротезлашнинг жаҳон тажрибасида устувор ҳисобланган ўзига хос услублари ишлаб чиқилди ва кенг қўлланилмоқда. Бу ерда тана фаолиятини тўлиқ тиклайдиган ўта аниқ техника ёрдамида оёқ-қўлларни тикишади, тўқималар ва аъзоларни алмаштиришади.

Тадқиқот фаолияти натижаларига кўра 9 мингдан ортиқ илмий иш нуфузли ихтисослашган журналларда ва алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Марказ базасида жарроҳликнинг муҳим йўналишлари бўйича кўплаб мамлакатлар мутахассислари иштирокида 80 дан ортиқ конференция ташкил этилди. Халқаро алоқалар жадал ривожланмоқда. Сўнгги вақтда Марказнинг 50 га яқин мутахассиси АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция, Туркия, Малайзия, Россия, Украинанинг етакчи тиббий марказларида малака ошириб келди. Ҳудудларда кадрларни тайёрлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Вилоят шифохоналарининг 300 дан ортиқ шифокори бу ерда ординатура ва аспирантурани ўташди.

Ҳар йили ўтказиладиган "Воҳидов ўқишлари" йиллар давомида тўпланган ноёб тажрибани ёйиш ва илғор тиббий технологияларни кенг қўллашга хизмат қилмоқда. Ушбу тадбирда республикамиз ва хориждан юзлаб амалиётчи шифокорлар тўпланиб, дунё тиббиётидаги сўнгги ютуқларни муҳокама этишади. Кўтарилган масалалар аҳамияти бўйича бундай анжуманлар МДҲда бошқа ўтказилмайди. Бу йил "Воҳидов ўқишлари" Андижонда бўлиб ўтди. Ўзбекистон, Россия, Украина, Қозоғистондан 500 дан ортиқ етакчи жарроҳ иштирок этган республика илмий-амалий конференциясида жарроҳлик амалиётидаги турли мураккаб вазиятлар ва уларни бартараф этишнинг янги услублари муҳокама этилди.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 4 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	690,47
1 Англия фунт стерлинги	1652,53
1 Дания кронаси	152,00
1 БАА дирхами	265,61
1 АҚШ доллари	975,52
1 Миср фунти	158,11
1 Исландия кронаси	12,75
1 Канада доллари	738,08
1 Хитой юани	117,86
1 Малайзия рингити	256,75
1 Польша злотийси	241,44
1 СДР	1396,73
1000 Туркия лираси	0,66
1 Швейцария франки	727,84
1 ЕВРО	1129,75
10 Жанубий Корея вони	8,23
10 Япония иенаси	88,57
1 Россия рубли	32,58
1 Украина гривнаси	182,96

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*



«Кумуш тола»нинг ипак толалари

Қиз-жувонлар эгнидаги камалак ранг атласу адраслар жилоси ҳар қандай кишини лол қолдириши, шубҳасиз.

— Бироқ, атлас кийишнинг ўзи бўлмас экан, — дейди Гулистон туманида иш бошлаган «Кумуш тола» хусусий корхонаси ишчиси Комила Исматова. — Пиллакорнинг меҳнати, пиллани қайта ишлаб тола олиш, атлас тўқиш...

Дарҳақиқат, туманда иш бошлаган «Кумуш тола» корхонаси туман омборларидаги пилла ҳосилини қайта ишлаб чиқармоқда. Мазкур ипак толалар Марғилон атласчиларига сотилаётир.

Айни пайтда «Кумуш тола»чилар ипак толаларидан Гулистоннинг ўзида атлас тўқишни йўлга қўйиш ҳаракатидалар.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиси Комила Исматова.

Илҳом ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ёвузлик

КАЛТАК ЗАРБИ

бир бегуноҳни қурбон қилди

Оқолтин туманидаги Бўстон қишлоғида яшовчи Ғайбулла Мавлонов 2002 йил Рамазон ойининг 28-кунида тўрт-беш одамни уйига чорлаб, ифторлик қилишни ўйлаганида умр шами тугаб қолганлигини сираям хаёлига келтирмаганди.

Эндигина меҳмонлар ичкари кириб оғизларини очишган, ҳали қозондаги ош сузилмаганди. Кутилмаганда ташқаридан 13-14 ёшлардаги қизалоқ «Ёрдам беринглар!» дея ифторлик ўтказилаётган ҳовлига ўзини урди. «Ие, Жамиланинг қизи Дилноза-ку! Нима гап, тинчликми?» деб сўрашганида ранг-қути ўчган қиз Қодир деган безори урганлигини, ҳозир орқасидан қувиб келаётганини айтди. Шу маҳал ҳовлига ҳансираган бўйи Қодир кириб келди. Оғзидан ароқнинг қўланса ҳиди анқиб турарди.

Хонадон соҳибасининг укаси Ғулом чақирилмаган меҳмонни муросага чорламоқчи бўлди:

— Қани, Қодиржон, ичкари киринг, бу ерда ифторлик бўлаяпти.

Эндигина 25 ёшга тўлган, лекин шу кунгача тўрт марта жиноий жавобгарликка тортилган Қодир Маҳмудов учун меҳр-оқибат, одамгарчилик бир пул эди. У рўпарасида турган Ғуломга оч бўридай ташланди:

— Сен мени билмас экансан, Дилнозани қаерга яширдиларинг? Ҳозир топиб берасанлар, эмаса чатоқ қиламан.

Шовқин-суронданичкаридагилар ҳам хабар топишди. Меҳмонлардан бири Ҳусан Хўжаев жанжални тинчитиш учун Қодирни алдаб-суллаб уйига олиб бориб қўйди. Ҳамма енгил нафас олди. Кимдир «Дарвозани тамбалаб қўйинглар, яна келиб бошни қотирмасин» деганда билгандай айтган эди.

Ифторга келганлар энди ошни еб бўлишганди ҳамки, кимдир дарвозани таёқ билан ура кетди. «Ё тавба, буниси ким бўлди?»

— Оч дарвозани, бўлмаса кулингни кўкка совурамиз, — дағдағали овоз аёл кишига тегишли эди.

Маълум бўлишича, Қодир уйида тинч ўтиролмай опаси Гулзода ва акаси Зоирни ҳам бу ерга бошлаб келганди. Таржимаи ҳолига кўра уларнинг учови ҳам қамалиб чиққанлар сулоласига мансуб эди. Ҳеч ким жавоб бермагач, гуруҳ аъзоларидан бири дарвозадан ичкарига ошиб тушиб зулфини бўшатди. Ваҳший кўринишдаги «қасоскорлар» ҳовлини забт этишди. Хонадон эгалари шаънига кураклда турмайдиган сўзлар айтилди. Тўпалон авжига чиқди. Гулзода қўлидаги таёқ билан дераза ойналарини чил-чил қилди. Ҳусан Хўжаевга тегишли «Тико»нинг орқа ойнаси ҳам соғ қолмади. Шу таёқ ифторга келган Инъомнинг қўлига, Ғуломнинг юзига жароҳат етказди. Қий-чувдан йиғилганлар ташвишга тушди.

— Қани, машинага ўтириб милицияга борамиз, ўша ерда ким ҳақлигини айтишади.

Ҳусан Хўжаевнинг «Тико»сига уй эгаси Ғайбулла Мавлонов, ака-ука Қодир ва Зоирлар чиқадиган бўлишди. Шу пайт кутилмаганда Қодир Ғайбулла аканинг орқа миясига таёқ билан тушириб қолди. Энди машинага ўтирганлар милицияга эмас, тиббий ёрдамга йўл олишди. Таёқнинг ажалли зарбидан миясига қон қуйилган Ғайбулла ака машинада жон берди.

Воқеа жойидан ғойиб бўлган қотил — Қодирни орган ходимлари икки ярим ой деганда қўлга олишди. Шунча вақт у қўшни республикада писиб юрган экан. Одил суд ҳар учала шахснинг ҳаракатларига муносиб баҳо берди. Бир оилада ин қурган жиноятчилар фаолиятига шу тариқа нуқта қўйилди.

Сойибжон ЙЎЛДОШЕВ,
Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани прокуратураси терговчиси.

Газетада босилмади, аммо...

Таҳририятга келган шикоят хати:

«Юнусобод мавзеси, 16-даҳа, 10-уй 1979 йил эксплуатацияга топширилган. Ўтган йиллар мобайнида уйимизнинг иситиш тармоқлари узуман таъмирланмаганлиги туфайли яроқсиз ҳолга келиб қолган. Шунинг эвазига тўрт-беш йилдан буён қиш мавсумида ҳеч қайси хонадонда иссиқлик йўқ. Кўп уйларда ёш болалар борлиги сабабли, хавфли бўлса ҳам, турли электр иситгичлардан фойдаланишга мажбур бўлмоқдамиз.

Халқимизда «Қиш гамини ёзда еган ютади», деган гап бор. Қишга кириб боряпмизу наҳотки, уйимизнинг иситиш тармоқларини таъмирлаш нақадар долзарблигини англаш қийин бўлса?..

Бизнинг илтимосимиз қондирилишига ишонч билан,

10 -уй аҳли (40 та хонадон)».

Камчиликлар бартараф этилди

Таҳририятга келган расмий жавоб:

«Юнусобод туман Ягона буюртмачи хизмати ҳамда «Умид-Умиди» ширкати Юнусобод мавзеси, 16-даҳа, 10-уй эгалари томонидан ёзилган шикоят хатини жойига чиқиб ўрганди. Туман «Иссиққуввати» бошқармаси томонидан уйнинг иссиқлик тармоғини сувнинг ранги тозалангунга қадар ювиш ташкилий ишлари ўтказилди. Натижада ертўла қувурлари исиди. Улар қишки мавсумга тайёрланди. Эндиликда ертўлада сув йўқ, санитария жиҳатидан тоза. Бироқ 10-уй капитал таъмир ишлари бўйича бу йилнинг ҳисобига киритилмаган».

Расмий жавобга Юнусобод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.РАСУЛОВ имзо чеккан.

Илм-фан тараққиёти — устувор соҳа

*Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз» номли асарида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ғояларини рўёбга чиқаришда олий таълим муассасалари зиммасидаги бениҳоя улкан вазифаларни алоҳида таъкидлаб: **«Мазкур дастурни амалга оширувчи энг бош жонкуярлар сизлар бўлишингиз лозим»** деган эдилар.*

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар жамоалари давлатимиз раҳбарининг юксак ишончини оқлаш йўлида катта куч-ғайрат кўрсатмоқдалар. Янги, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаб етиштириш борасида, жумладан, Қарши давлат университетида ҳам самарали фаолият олиб борилмоқда.

Мазкур давлат университет ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Гулмирза Худойберганов билан суҳбатимиз ҳам ана шу тўғрида бўлди.

Салоҳиятли ёшлар — Ватан келажаги



— Муҳтарам домла! Қарши давлат педагогика институти университет мақомига эришганига ҳам, мана, 13 йил тўлай деб қолди. Шу йиллар мобайнида олий ўқув юрти ҳаётида қандай туб ўзгаришлар содир бўлди?

— Қарши давлат педагогика институтининг университет мақомига эришганлиги мустақиллигимиз меваларидан биридир. Бир вақтлар атиги бир неча, фақат педагогик йўналишдаги кафедраларга, 50-100 га яқин ўқитувчига эга бўлиб, қишлоқ мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлаб берадиган институт бугун илм-фаннинг ўнлаб йўналишларида фаолият олиб бораётган 51 та илмий кафедра, 5 та илмий лабораториянга, 546 нафар профессор-ўқитувчиларга, илмий ходимлар етиштирувчи ўз аспирантурасига эга йирик таълим ва илм марказидир. Бир вақтлар кўримсизгина бир неча бинога эга бўлган институт ўрнида бугун ўзига хос талабалар шаҳарчаси пайдо бўлди. Кўпгина замонавий ўқув бинолари қад кўтарди, боғлар, гулзорлар, фавворалар, муҳташам қариялар чойхонаси, спорт майдонлари, теннис кортлари, талабалар уйлари бунёд этилди. Қурилиш давом этаяпти. Энг замонавий лойиҳалар асосида бош ўқув биноси қурилиши 2004 йилда бошланади. Барча шароитларга эга «Ёшлар маркази» мажмуаси қурилиши жадал давом эттирилаяпти. Университет ҳудудидаги ташландиқ жой ободонлаштирилиб, «Мотамсаро она» мажмуаси қурилди. Ҳозирги кунда бу мажмуа ёнида университет ёшлари учун анъанавий Хотира ва Қадрлаш кунлари, бошқа муҳим маънавий ва маърифий тадбирлар ўтказилади.

Биз юқорида, университет воҳанинг илм маркази ҳам бўлиб қолди, дедик. Ҳақиқатан, шундай. Сўнгги беш йил ичида профессор-ўқитувчиларимиз халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб бордилар. Уларнинг орасида Жанубий Ўзбекистон ўсимлик дунёсини ўрганиш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар, ҳайвон ва инсон физиологиясига оид, Қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш масалаларига доир амалий фойдали ишлар бор. Кейинги икки ўқув йили мобайнида эса профессор Б.Аминовнинг «Одам ва унинг саломатлиги» китоби , профессор С.Мустафоевнинг «Ботаника» дарслиги, доцент М. Ориповнинг «Чинор бўлиб илдиз отдик» номли фалсафий-публицистик китоби, таниқли олим ва ёзувчи П.Равшановнинг «Қашқадарё: истиқлол арафасида» номли ажойиб публицистик китоби каби салмоқли асарлар яратилди.

Айниқса, сўнгги асар ҳақида алоҳида тўхталишни истар эдим. П. Равшановнинг ушбу китоби ҳақида республика матбуотида чоп этилаётган мақолалар ва китобхонларнинг таассуротномалари унинг алоҳида қимматидан далолат бериб турибди. Ушбу публицистик асарда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятидаги раҳбарлик йиллари, қизғин ва матонатли инсонпарварлик фаолияти оддий одамлар нуқтаи назари орқали, ҳаётий воқеа- ҳодисалар воситасида ҳикоя қилинади.

Шу ўринда айтиб ўтишим керакки, университетимизда 2000-2002 йилларда Фан ва технология марказининг 3 та гранти бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилди. Ҳозирги кунда яна битта грант бўйича илмий иш олиб бориляпти.

Физика ва техника масалалари тадқиқотчилиги билан шуғулланаётган олимларимиз сўнгги 5 йилдаги кашфиётлари учун 20 га яқин патент олдилар.

— Маълумки, илмий тадқиқотчиликни ривожлантириш учун моддий-молиявий ресурслар, катта маблағ талаб қилинади. Университетда бу масала қандай ҳал этиляпти?

— Профессор-ўқитувчиларимиз қўл урган илмий-тадқиқот мавзуларининг аксарияти ташқаридан қилинган буюртмалар ҳамда хўжалик шартномалари асосида бажарилмоқда. Масалан, ўтган ўқув йили мобайнида 5 миллион 360 минг сўмлик хўжалик шартномалари тузилган ҳолда тадқиқотлар олиб борилди.

Олимларимиз Давлат илмий-техника қўмитаси дастурига киритилган долзарб илмий йўналишлар бўйича ҳам шуғулланмоқдалар. Масалан, техника фанлари докторлари, профессорлар Э.Хайриддинов ва А.Вардияшвилилар ана шу марказнинг маблағи ҳисобидан 1 миллион 732 минг сўмлик илмий-тадқиқот ишларини бажардилар.

Умуман, университетнинг 17 та кафедраси ўтган йили 8 миллион 980 минг сўм маблағ топди ёки маблағ ўрнига ўқув жиҳозлари, университетни таъмирлаш учун қурилиш материаллари олдилар.

Кўпгина олимларимиз республика Фанлар академияси институтлари, ташкилотлар, корхоналар, қўшма корхоналар ва фирмалар билан шартнома асосида дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар тайёрлаб чоп эттирмоқдалар.

— Республикамизнинг ҳозирги илм ва таълим марказлари фаолиятида халқаро ҳамкорлик алоқалари муҳим ўрин тутади. Қарши давлат университети ҳам бундай алоқалардан четда тургани йўқ, албатта.

— Ҳа, университетимиз профессор-ўқитувчилари жамоатчилиги дунёнинг бир қатор нуфузли илмий ва таълим марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. 2001 йилда университетимиз олимлари ТЕМПУС халқаро дастурининг гранти совриндори бўлишди. Илмий ходимларимиз ва аспирантларимиз Англиянинг Шимолий Лондондаги университети ва Финляндиянинг ОУЛЭ университетлари билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Улардаги масофавий таълим тизими бўйича тажрибалар билан танишиб бу тажрибаларни университетимиздаги таълим амалиётига жорий этяпмиз.

Тузилган ўзаро шартномаларга биноан, ўқитувчилардан Т. Ғаффорова ва О. Холбобоевлар Англиянинг Кембриж университетида, доцент С. Эгамбердиев Германиянинг Хёте университетида малака ошириб қайтдилар. Университетимиз профессор-ўқитувчилари Америка, Франция, Голландия, Туркия, Россия, Қозоғистон, Туркманистон давлатларидаги олий ўқув юртлари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари билан ҳам биргаликда иш олиб бормоқдалар.

Халқаро илмий-амалий ҳамкорлик, ўқитувчиларимизга энг илғор билим, малака, тажриба бериш билан бир қаторда, университетимиздаги педагогик фаолиятни ҳам янги юқори савияларга кўтариш имкониятини яратмоқда. Бугунги ўқитувчиларнинг савияси атиги 4-5 йил аввалги педагогик савия билан таққосланса, фарқ жуда катталиги аён бўлади. Бугунги талабаларимиз ҳам бошқача....

— Бу нималарда кўринади?

— Масалан, бир вақтлар кўп ўқитувчилар ва талабалар компьютернинг ёнидан ҳам ўтишмаган. Бугун эса таълимни компьютерсиз тасаввур этиб бўлмайди. Университетимизда «Компьютер маркази» ташкил этилган. Замонавий компьютерлар ҳисобига 4 та компьютер зали очилди. Ўқитувчилар учун ҳам алоҳида компьютер хоналари бор. Улар энг сўнгги моделдаги ускуналардир. Компьютерлар ягона тармоққа уланган. Интернетга чиқиш имкониятлари ҳам яратилган. Интернет канали масофавий таълимга кенг йўл очди. Талабаларимиз дунёнинг хоҳлаган жойидан ўзлари учун зарур ахборот ва маълумотларни олмоқдалар.

Марказда видеоконференция мосламалари ўрнатилган бўлиб, бу мосламалар ёрдамида масофадан туриб ўқитиш, видео анжуман ва видеодебатлар ўтказиш мумкин.

Марказда компьютер таълими ҳам жорий этилган бўлиб, ҳамшаҳарларимиз, асосан ёшлар тўлов асосида бу ерда компьютерда ишлашни ўрганадилар. Вилоят ҳокимлигининг таклифи билан вилоятдаги 200 дан кўпроқ раҳбар мутахассислар ҳам бизда компьютер таълимини олдилар.

Яна бир янгилик: университетда электрон маъруза ва қўлланмалардан ташкил топган кутубхона ҳам мавжуд. Ундаги маърузалар сони 2000 тадан ортиқ. Электрон ўқув материалларининг хусусияти шундаки, у воқеа ва маълумотларни экранда яққол акс эттиради, бу эса талабаларнинг эслаб қолиш даражасини ва уларнинг фикрлаш қобилиятини бир неча баробарга оширади.

Етук малакали, билимли, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош кадрларни тарбиялаб етиштириш учун университетимизда барча шарт-шароитлар мавжуд. Талабаларимиз орасида республика талабалар олимпиадаларида қатнашиб ғолиб бўлаётганлар ёки фахрли ўринларни эгаллаётган ёшлар кўпаймоқда. Иқтидорли талабаларнинг университет миқёсидаги илмий-амалий анжуманлари ҳам мунтазам ўтказиб турилмоқда.

Университетда магистратура таълими йўлга қўйилган. Ўндан кўпроқ илм-фан йўналишлари бўйича ҳар йили энг иқтидорли бакалавр талабалар магистратурага қабул қилинмоқда. 2002-2003 ўқув йилида 23 нафар талаба магистратура таълимига танлаб олинди. Магистрларимиз ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий долзарб мавзуларни танлаб муваффақиятли илмий иш қилмоқдалар.

— Университетда ўқув-тарбия ишларини янада такомиллаштириб бориш йўлида нима ишлар қилинаяпти?

— Ҳозирги пайтда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришнинг муҳим босқичи — сифат босқичига киришилди. Таълимнинг сифатини ошириш эса ислоҳотларни тўхтовсиз давом эттириш, фаолиятда ўзгаришлар қилишни тақозо этади.

Жумладан, сўнгги йилларда университетимизда собиқ физика-техника факультети негизида «Касбий таълим» факультети ташкил этилди. Ушбу факультетда янги таълим муассасалари — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқитувчи кадрлар тайёрланмоқда. Вилоятда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ривожланаяпти. Демак, бу факультет битирувчиларига эҳтиёж ҳам тобора ошиб бораверади.

Шу ўринда айтишим керакки, вилоятдаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида университетимиз кафедраларининг филиаллари ташкил этилиб, бу таълим муассасаларига илмий услубий ёрдам кўрсатилмоқда.

Университет тузилмасидаги яна бир янгилик — унинг бағрида «Жисмоний маданият» факультетининг ташкил этилганлигидир. Ҳозирги кунда ушбу факультетда битта профессор, 26 та катта ўқитувчилар фаолият олиб бормоқдалар. Жумладан, факультетда ўзбек кураши бўйича икки марта жаҳон чемпиони Баҳром Авазовдай донгдор спортчилар ёшларга сабоқ бермоқда. Факультет жисмоний маданият соҳаси бўйича мактаблар, лицейлар ва коллежлар учун педагогларни етиштириб беради.

Жисмоний маданият факультети талабалари орасидан кўпгина спорт юлдузлари етишиб чиқди. Биринчи курс талабаси Обида Алладўстова 2003 йилда кураш бўйича Осиё чемпионатида кумуш медаль соҳиби бўлди. Учинчи курс талабалари Элмурод Соатов ва Элбрус Соатовлар кураш бўйича Ўзбекистон чемпионларидир. Талаба Темур Мустафин шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. Талабаларимиздан София Каспўлатова эса Венгрияда каратэ бўйича жаҳон биринчилигида қатнашиб, кумуш медални, Кореядаги спорт баҳсларида эса олтин медални қўлга киритди.

— Суҳбатимиз охирида ёшларга қандай истакни билдирган бўлардингиз?

— Биз ёшларни «Ватан келажаги» деймиз. Бу, умуман, тўғри. Лекин, менинг назаримда, айниқса, юксак замонавий билимли, малакали мутахассис кадрлар ватан келажагини таъминлай оладилар. Салоҳиятли ёшлар — Ватан бойлиги ва қудратидир. Ёшларимизнинг интеллектуал, ижодий ва жисмоний камолотларини барқ уриб равнақ топтириш учун эътиборни янада кучайтиришимиз керак. Бу борада, айниқса, биз — педагогларнинг Ватан олдидаги масъулиятимиз катта.

Суҳбатни М. САФАРОВ олиб борди.

Ҳамкорлик ўрнатилди

«Ўзбектелеком» акционерлик компанияси билан Украинанинг «Укртелеком» очиқ акциядорлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Куни кеча Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида компаниялар ўртасидаги ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Мазкур битимдан ҳар икки мамлакат бирдай манфаатдор бўлиб, у алоқа хизмати фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

М.ТОЖИЕВА



Фотофельетон

Яйловга айланган ўйингоҳлар

Сарлавҳани ўқиб ажабландингиз чоғи. Лекин бу бўладиган гап. Мол-қўй боқиб, фермерликни йўлга қўймоқчи бўлсангиз Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманидаги ўйингоҳларга бораверасиз.

Сафаримиз бошида туман ҳокимининг ўринбосари Асадилло Яҳёевнинг тўлқинланиб айтган:

— Болалар спортини ривожлантириш учун 15 миллион сўмликдан зиёд бунёдкорлик ишларини амалга оширдик. 400 минг сўмликдан зиёд спорт жиҳозлари олиб бердик,—деган сўзларини тинглаб қувондик. Аммо ҳақиқий аҳвол билан танишгач...

Туманда болалар спортини ривожлантириш учун... Э, кечирасиз, чорвачиликни ривожлантириш учун мазкур ўйингоҳларда ҳамма шарт-шароит яратилган. Мана, Солижоноболддаги ўйингоҳдамиз. Бу ерда 5 минг ўринли ўйингоҳни таъмирлаш ишлари фақат ўриндиқларга бўёқ суртиш билан якун топган. Аммо молбоқарлар учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё! Футбол майдонидаги майсалар ўсиб, тўпиққа уради — юзлаб қўйни бир ой бемалол боқиш мумкин. Югуриш йўлаклари, бинолар атрофида бегона ўтлар, тиконлар шунақанги гуркириб ўсганки, эринмаган фермер бўлса, шу қўйларга қиш бўйи етгулик пичан ҳозирласа бўлади. Яна бир томони, бу ўтлоқлар, йўғе, майдонлар болалар ёки спорт ишқибозлари томонидан оёқ-ости қилинишига йўл қўйилмаяпти.

Бундай шарт-шароит туман раҳбарларининг бевосита ташаббуслари билан бошқа ўйингоҳларда ҳам яратилган. Жумладан, Қоражийда қишлоғидаги ўйингоҳда бегона ўтларнинг бемалол ривожланиши учун, ўриндиқлар умуман тузатилмаяпти. Алигавҳаров номли ширкат хўжалиги томонидан ажратиб берилган майдонга кейинги икки йил давомида фақат дарвоза устунлари ўрнатилди, холос. (Аслида бу ҳам чорвадор учун қулайлик: мол-қўйларини боғлаб боқишга имконият яратади) Хўжалик раҳбарлари мол-қўйлар учун ноқулайлик туғдириши мумкин, деган ниятда томошабинлар учун ўриндиқларни умуман ўрнатмадик, дея таъкидлашди.

10, 20- мактаблар ҳудудида яна икки иншоот — чўмилиш ҳавзалари бунёд этила бошланган. Қурувчиларнинг айтишларича, мазкур ҳавзалар ё XXI асрнинг охирида ёки XXII асрнинг бошларида, Худо хоҳласа, тўлиқ ишга туширилади. Туман раҳбарларининг болалар спортини ривожлантиришга бўлган ана шундай "катта" эътиборлари давом этаверса, юқоридаги иншоотлар ҳам фермерларимиз манфаатлари йўлида беминнат хизмат қилиши, шубҳасиз. Суви бўлса молқўйларни суғориш, чўмилтириш имконияти яратилади. Аксинча бўлса, усти очиқ, аммо атрофи ёпиқ молхона бўлади.

Айтишларича, чорвадорларимизнинг мазкур ўйингоҳларда кунларини қўнгилли ўтказишлари учун қизиқарли тадбирлар ташкил қилиш режалаштирилмоқда. Жумладан, молбоқарлар ўртасида коррадо, яъни ёввойи буқалар билан жанг мусобақасини ўтказиш энг биринчи галдаги вазифа бўлиб турибди. Айни кунларда майдон эгалари томонидан мазкур мусобақаларга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда.

С. АНВАР, «Халқ сўзи» мухбири.
Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Экологик ҳалокат марказида жойлашган Мўйноқ тумани иқтисодиёти ўнгланиш йўлидан ишончли қадамларини қўймоқда. Қўл ҳамда қўлтиқларда сув заҳираларининг кўпайиши балиқчиликни қайта тиклаш имконини бераётган бўлса, ер остидан отилиб чиқаётган табиий газ фавворалари мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қила бошлади.

Мўйноқнинг газ фавворалари

Айни кунда туманнинг 15 нуқтасида бурғулаш ишлари олиб борилмоқда. Учсой мавзесида барпо этилган табиий газни мувофиқлаштириш иншооти суткасига 750 минг кубометр «зангори олов»ни истеъмолчилар учун тайёрлаб бермоқда. У ерда шу кунгача 170 миллион кубметр табиий газ, 4743 тонна газ конденсати тайёрланди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

"Lok Kolor Sintez" корхонасидан ЯНГИЛИК

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ ОҚИЛОНА ИШЛАТИНГ!

БИНОЛАРНИНГ ОЛД ТОМОНИ УЧУН СУВ БИЛАН АРАЛАШТИРИЛАДИГАН АЖОЙИБ МАТЕРИАЛЛАР КОМПЛЕКСИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

КОРХОНА ХАЛҚАРО СИФАТ СОВРИНИГА САЗОВОР БЎЛГАН

«ПЕНЕТОН»
шимдиргичи силикатли пойдеворлар тешикчаларига чуқур кириб бориб, уларнинг уст қатламини пишиқ ва мустаҳкам қилади ҳамда сувни ўзига тортишини камайтиради.

«БИНОГРУНТ»
грунтовкаси бўёқнинг бетонга бўлган адгезиясини яхшилайди ва бўёқнинг сарфланишини камайтиради.

Ранг-баранг
«БИНОФАС»
бўёғи бино олд томонини ҳимоялайди ва унга чирой беради.

Товар сертификатланган.

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94, факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor@online.ru

АВТОМОБИЛЬ — КРЕДИТГА!

«ЎзДЭУАВТО» АЖ АВТОМОБИЛЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШДА МИЛЛИЙ БАНК КРЕДИТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Нақд пул маблағларини «Ният» депозитига қўйиш шарти билан кредит автомобиль қийматининг 100% миқдорида берилади.

- Кредит бўйича фоиз ставкаси — йилига 10%
- Депозит бўйича даромад — йилига 4,5%
- Депозит қиймати — автомобиль қийматининг 50%
- Кредит муддати — 3 йил

Сиз автомобиль харид қиласиз, банкдаги ҳисоб варағингиздаги пуллар эса сизнинг фойдангизга ишлайди.

КРЕДИТ ШАРТЛАРИ — МАНФААТЛИ!

Сиз кредит суммасининг 50 фоизини 3 йил мобайнида ойлик бадаллар билан қайтариб борасиз, қолган 50 фоизи эса кредитлаш даври охирида «Ният» депозитидаги маблағлар ҳисобидан қопланади.

Буюртмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг барча бўлимлари томонидан қабул қилинади.
Батафсил маълумотни сиз 34-11-17, 137-62-76 рақамли телефонлар орқали ёки бизнинг www.nbu.com интернет-сайтимиздан олишингиз мумкин.



Қадрият

Дунёда етти мўъжиза бор, дейдилар. Бунда албатта, инсониятни ҳайратга солган — меъморий ечимлари, гўзаллиги беназир бино-иморату, иншоотлар назарда тутилади. Бу кўпчиликка маълум. Лекин бани башар қалбини поклаб, уни эзгу ишларга бошлайдиган ғояларни нега мўъжиза демаймиз? Нега?! Аслида, у барча мўъжизаларнинг сарчашмаси эмасми? Ибтидоси улуғ аллома Хожа Абдухолиқ Ғиждувонийдан бошланиб, Баҳоуддин ҳазратлари томонидан қиёмига етказилган Нақшбандия таълимоти ҳақида ўйларканмиз, дилдан шундай фикр ўтади.

Мўъжиза Ва ҳайрат

Дарвоқе, дил. Баҳоуддин Нақшбанд сулукида бу энг муҳими. Ҳазратнинг машҳур сўзларини эсга олинг: «Даст ба кору, дил ба ёр». Яъни, кўнглингга Аллоҳ сувратини нақш қил, Тангрини мудом ёд эт, лекин, аввало, қўлинг ишда бўлсин, ризқингни ҳалол меҳнат билан топ.

Ушбу боқий таълимот, неча юз йиллар мобайнида миллион-миллион кишиларни ўзига жалб этиб келди, хайрли ишларга ундади. Афсуски диннинг жаҳолат деб унга аёвсиз қураш бошлаган шўролар тузуми миллий, исломий ва демакки, инсоний қадриятларимизни оёқ ости қилди. Бу, айниқса, ўтган аср ўрталарида янада кучайди. Ҳазрат Нақшбанд зиёратгоҳлари эшикларига қулф осилиши, унинг ичкарию-ташқариси шўра ва қамишзорга айланиши ҳам ана шу даврдан бошланган эди.

Шу ҳудудга туташ, яъни ул мўътабар зот таваллуд топган Қасри Орифон қишлоғи кексаларидан бири Абдулла бобо Кенжаевнинг айтишича, илгари улуғ тасаввуфчи бобокалонимиз қабри тавоф қилинган, унга ҳурмат бажо келтирилган. Унинг ёнгинасидаги боғда «гули сурхи сайл» — қизил гул сайли байрамлари ўтказилган. Шундан кейин қарийб 40 йил давомида зиёратгоҳга «бидъат, эскилик сарқити» тамғаси босилиб, унинг дарвозалари ёпилган.

Озодлик эпкини эса бошлаган 1988 йилда «йўқолган калит»лар топилиб, эшиклар очилди. Аммо зиёратгоҳ мустақилликка эришилганидан сўнггина чинакам эътибор кўрди. Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги нишонланган 1993 йилда қабри ва унинг атрофидаги меъморий обидалар таъмирланди, теварак ободонлашди.

Шуни айтиш керакки, дунё мусулмонлари эътиборига тушган зиёратгоҳ қиёфаси, тавоф қилувчилар учун шароит тегишли талабга жавоб бермаётганлиги сезила борди. Президент ўтган йилнинг октябрь ойида бу ерда бўлганларида қутлуғ қадамжони ҳам тарихийлик, ҳам маънавий қадриятларни улуғлаш нуқтаи назаридан қайта таъмирлаш бўйича кенг миқёсда ишлар олиб бориш вазифасини ўртага қўйдилар. Улуғ пир даҳмаси ғарбий ва жанубий томонларидаги айвонлар қаршисида — шарқ ва жануб қисмида қўшимча айвонлар қуриш бўйича таклифлар ўртага ташланди.

Шундан сўнг қисқа фурсатда зиёратгоҳ ва унинг атрофидаги катта ҳудудда беқиёс бунёдкорлик режалари ишлаб чиқилди. Лойиҳа пойтахтлик тажрибали мутахассислар томонидан тайёрланди.

Ҳазратнинг қабри-даҳмасини самарқандлик усталар шундай чиройли таъмирлашдики, унда улуғ зотга ярашиқли улуғворлик намоён. Бу ерда меъморчилик услубларини мукаммал ўзлаштирган фарғоналик, тошкентлик, хоразмлик усталар ҳам бухоролик ҳамкасбларига ёрдамга келишди. Маҳоратда уларга гап йўқ. Лекин шунга қарамай осон бўлмаганини айтишди. Гап Амир Музаффархон ва Ҳаким Қушбеги томонидан қурдирилган масжидларга ёндош айвонларга бугун туташ барпо этилган айвонлар ҳақида бораяпти. XIX асрга мансуб меъморий обидаларга хос услубни янги бино олд, пештоқ ва шифтида жонлантириш нечоғлик мураккаблигини кўз олдингизга келтиринг-а!

Қўқонлик машҳур меъмор, уста Ғани бошчилигидаги жамоа ўн беш устунли айвонни барпо этишда ҳаловат билгани йўқ. Биз уста билан гаплашишга кўп уриндик. Аммо, у киши суҳбатга вақт тополмади. Бунда мантиқий изоҳ ҳам бўлиши мумкин. Бу ердаги гўзалликнинг ўзи устанинг номидан сўзлаб турибди-ку.

— Беҳзод номидаги санъат билим юртини битириб, мана 16 йилдирки, республика «Усто» бирлашмасида нақшбезакчи бўлиб ишлаяпман, — дейди суҳбатга фурсат топган тошкентлик Рихсилло Ҳосилов. — Самарқанддаги обидаларни таъмирлаш, пойтахтдаги Темурийлар тарихи музейини безашда қатнашганман. Лекин Баҳоуддин ҳазратларининг даҳмалари ёнидаги қадимий айвонларда ишланган бўртма нақшлар, жилоларни ҳеч қачон учратмагандим. Услубнинг мураккаблиги, гўзаллиги, айрим унсурларининг бошқасида такрорланмаслиги бизларни ҳайратга солди. Шунинг учун ҳам янги айвонларда уларни айнан «кўчиришимиз»ни айтишга, очиғи юрагимиз бетламади, чўчидик. Тилла сувида ишланган нақшли деталларни баландликда туриб елимлаб жойлаштириш заргарона иш-да. Мана икки ойдан бери меҳнат қилаяпмиз. Ҳар ҳолда ишимизга яхши баҳо беришаяпти.

Қўли гул усталарнинг саъй-ҳаракатлари туфайли тўрт томони айвон билан ўраб олиниб, ўзига хос гўзал меъморий яхлитлик касб этган масканда завқланасиз. Ҳа, айтганча бу ердаги эски айвон пештоқи, устунлари янгиланди. Даҳма ёнидаги ҳовузда ҳам энди сув туриб қолмайди, алмашинаверади. Бу ҳолат эса жазирама иссиқда бинолар ва ўйма нақшлар учун зарур шароит яратаркан.

Ҳазратни тавоф этиб, шимол дарвозадан чиқасиз. Ташқаридаги манзара ҳам кўзни қувонтиради. Ҳаким Қушбеги масжиди айвони, унинг ёнидаги минора янада кўркамлаштирилибди. Бу ерда Самарқанддаги «Меъмор-96» корхонасининг Насрулло Соҳибназаров бошчилигидаги усталар ишлашди.

— Бизга айвоннинг эскирган устунларини янгилашга тўғри келди, — дейди уста. — Бу мураккаб иш. Эҳтиёт бўлинмаса, бино шипи ағдарилиши мумкин. Махсус техника зарур эди. Лекин биз бошқача йўл — 8-10 тоннача юк кўтарадиган хари тиркама билан устунларни янгиладик.

Бухоролик таъмирловчилар эса XV аср ёдгорлиги — Абдулазизхон хонақосининг ички қисмига гўзаллик бағишлашди.

— Тўғри, бу ер бундан ўн йил илгари ҳам таъмирланган эди, — дейди вилоят махсустаъмирлаш корхонаси бош муҳандиси Маҳмуд Сафоев. — Бугун биз бинонинг қарийб 80-90 йилдан бўён қўл урилмай қолган қисмлари — «Даҳмаи шоҳон», яъни шоҳлар даҳмасига қараган дарвоза ва синчларни эпақага келтирдик.

Бухоронинг амиру хонлари оила аъзолари билан абадий қўним топган даҳмада ҳам ўзгаришлар катта. Ободончиликнинг бир томони тарихийлик билан боғлиқ.

Бугун кўпчилигимиз, ҳатто катта ёшдагилар ҳам зиёратгоҳнинг ўтмишдаги кириш дарвозаларини билмаслигимиз аниқ. У «шоҳлар даҳмаси»нинг ғарбида, тахминан 300 метрча нарида бўлиб, «Дарвозаи тоқи миёна» деб аталган. Айтишларича у ўтган асрнинг 20-йилларида бузилган ва ғиштлари ҳозир сал нарида қад кўтариб турган собиқ мактаб қурилишида ишлатилган. Яқинда тупроқ кавланди. Дарвоза ва унга ёндош ҳужраларнинг пойдеворлари топилди. Ҳозирча уни тиклаш кун тартибига қўйилмаган.

Лекин, бир пайтлар харобаға айланиб қолган бошқа бир кириш жойи — «Дарвозаи диловар», яъни «кўнгилочар дарвоза»га қайта ҳаёт бағишланаяпти. Айтишларича, ўтмишда зиёратчилар, ҳатто амиру уламолар ҳам шу ерда пойабзалларини ечиб, бир томони шайбонийлару аштархонийлар ва иккинчи томони темурийларга мансуб Бухоро шохлари даҳмалари жойлашган йўлак сари Боби Салом дарвозаси орқали Баҳоуддин ҳазратлари қабрини зиёрат қилганлар. Айни пайтда ана шу узун йўлаклар тозаланиб, бетон тошлар ётқизилди. Шоҳларнинг тупроқ остида қолган ва қамиш босган даҳмалари ўзига хос тарихий обида кўринишини олди.

Боби Салом дарвозаси қаршисида зиёратчилар бироз тин оладиган чиройли айвон ҳам қурилди. Ҳа, энди ҳазратни тавоф этадиганлар ана шу дарвоза орқали кирадилар. Боби Саломга эса жанубда — катта йўл ёқасида бунёд этилаётган маҳобатли баланд гумбазли янги дарвоза (унга ҳам ажойиб ном топилар) орқали борилади. Уни «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 10-қурилиш меъморчилик фирмаси ва бухоролик таъмирловчилар тиклашди.

Биз меъмору, таъмирловчилар билан суҳбатлашганимизда, улар бир нарсани таъкиддлашдики, обидалар ҳолатига асосан ер ости сувининг яқинлиги салбий таъсир кўрсатаркан. Шу боис бир неча жой артезиан насослари ўрнатилди. Энди зиёратгоҳда қарийб 16 гектардан иборат гулзору боғлар яратилди.

Бу катта бунёдкорлик ишларида жуда кўп ташкилотлар қатнашди. «Бухороқурилиш», «Бухорогаз», «Саноатқурилиш», «Бухоросувқурилиш», «Амубухороканалқурилиш» каби ҳиссадорлик жамиятлари, «Бухоротекс»га қарашли бинокорлик бўлинмалари, «Бухороавтойўл» таъмирлаш ташкилоти ана шулар жумласидандир. Когон тумани ширкат хўжаликларидан қарийб мингга яқин кишилар меҳнат қилишди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Бухородон», «Шоҳруд» каби кўплаб корхоналар, фирмалар, фуқаролар ҳомийлик ёрдами кўрсатишди.

Биз зиёратгоҳда бўлганимизда Баҳоуддин ҳазратларини тавоф қилишга келган индонезиялик ва бангладешлик мусулмонлар билан суҳбатлашдик. Улар ажойиб ишлардан ҳайратга тушганликларини, бу макон улар тасаввур қилганларидан ҳам обод эканлигини айтишди. Зеро, бу қутлуғ даргоҳ мўъжиза ва ҳайрат салтанатига айланиб бормоқда.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Эркин ЁДГОРОВ,
«Бухоронома» мухбири.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган суратлар.

Азиз онлар сўралган фурсат

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори илмий жамоатчилик ва кенг омма томонидан илиқ кутиб олинди. Хусусан, Фанлар академиясининг мамлакатимиз ва умумдунё илм-фани хазинасига кўшган муносиб ҳиссасининг нафақат юртимизда, шу билан бирга халқаро миқёсда ҳам тан олингани баайни ҳақиқатдир.

Бундай даражага етиш учун неча-неча йиллар давомида кўплаб фидойи олимлар фан уммонида машаққатли меҳнат қилдилар. Уларнинг узоқ йиллик илмий тадқиқотларини, тажрибаларини таъбир жоиз бўлса, игна билан қудуқ қазишга менгзаш мумкин. Шундай фидойи олимлар қаторида академик Улуғ Ғуломов номини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. У киши ҳаёт бўлганида бу йил 70 ёшни қаршилаган бўлар эди.

Ёшлигидан шоирлару ёзувчилар, олимлару санъаткорлар даврасида кўп бўлган, уларнинг гоҳ ҳазил-мутойибали, гоҳ баҳсли, гоҳи эса мароқли гурунгларидан баҳра олиб, шеъру қўшиқ тинглаб улғайган Улуғ ўнинчини битиргач, оталари— аллома шоиримиз Ғафур Ғулом сўрабдилар:

— Қани, айтинг-чи, ўғлим, қаерда ўқимоқчисиз, ким бўлмоқчисиз?

— Шоир бўлмоқчиман, — деб жавоб берибди ўғил.

Шунда Ғафур Ғулом кулиб дебдилар:

— Бир уйда, битта шоир етади, ўғлим. Сиз бошқа касбни танлаганингиз маъқул.

Улуғ ўйланиб қолди. Орзулар тўла қалбида шоир бўлиш нияти бўлса-да, университетнинг физика факультетига ўқишга кирди. Лирикани жонудилидан яхши кўрган бу йигит физикага ҳам худди шундай меҳр қўйди. Бу фаннинг сеҳру-синоати, тенгсиз қудратию, чексиз имкониятларини ўрганди. Тажрибалар қилди. Янги усул ва услубларни қўллади. Натижаларни устозлар нигоҳидан ўтказди. Нуфузли нашрларда қаторқатор илмий мақолалар эълон қилди. Олиб борган тадқиқотлари асосида кўтарган масалалари, илгари сурган фикрларию, эришган муваффақиятлари билан ҳатто хориждаги таниқли олимларнинг назарига тушди. Уларнинг баҳс-мунозараларида иштирок этиб, янги-янги йўналишларда изчил фаолият кўрсатди. Дунёвий билимларни эгаллаб, бой тажриба тўплади. Бундан тенгдошлари ҳавас қилди, устозлари фахрланди, дўстлари қувонди.

Айнан ана шу ютуқлари боис эндигина йигирма саккиз ёшга қадам қўйган ёш олимнинг мамлакатдаги номдор илмий муассасаларидан бири — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтига директор ўринбосари лавозимига тайинланиши тасодиф бўлмади. Чунки у бундай ишончни оқлашга тайёр ва қодир эди. Унинг аллақачон бир неча диссертацияга мавзу бўладиган ўнлаб йирик тадқиқотларни амалга оширганлиги ана шундан далолат берарди.

Мазкур институтни ташкил этишнинг ташаббускорларидан бири бўлган академик Содиқ Азимовнинг муносиб шогирдларидан ҳисобланган Улуғ Ғуломов бу қутлуғ даргоҳда ҳам худди Физика-техника институтидагидек ҳамма ишда, энг аввало, ўзи ибрат бўлди. Илмий-амалий тадбирларда ташкилотчилик маҳоратини кўрсатди. Айни пайтда

Эҳтиром

ўзи ҳам илм билан жиддий шуғулланди. Айниқса, протонларнинг Ядро билан ўзаро ҳамкорлигини ўрганиш ва олдин кашф этилмаган микроламни аниқлаш олимнинг илмий имкониятларини яна бир бор намойиш этди. Келажак фан ва техникаси равнақи учун ниҳоятда зарур бўлган тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш ёш олимнинг эзгу мақсади бўлиб, уларни амалга ошириш йўлида машҳур илмий муассасалар билан ҳамкорлик ришталарини боғлади.

Бу борада И.В.Курчатов номидаги атом энергияси институти олимлари билан қилинган ишларнинг натижалари диққатга моликдир. Бундай узвий ҳамкорлик реактор қувватини беш баробарга оширибгина қолмай, унинг амалий ва фундаментал тадқиқотларни бажариш имкониятларини ҳам кенгайтирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, у институт директори лавозимига тайинлангач ҳам янги ғояларни амалга оширишдан бир зум тўхтамади. Унинг ташаббуси билан бунёд этилган ўжалик ҳисобидаги радиозотоплар ишлаб чиқарувчи бўлинма эндиликда "Радиопрепарат" номи билан республикамиздагина эмас, хорижий давлатларда ҳам маълум ва машҳур. Бугунги кунда бу корхона 70 хилдан кўпроқ препарат ишлаб чиқариб, дунёнинг ривожланган мамлакатларига етказиб бермоқда.

Ядро физикасининг янги йўналишлари, тадқиқотлари, кашфиётлари билан яшаган Улуғ Ғуломов докторлик диссертациясини ёқлаб, профессор унвонига мушарраф бўларкан, меҳрибон отасининг "бир уйда битта шоир етади, ўғлим. Сиз эса бошқа касбни танлаганингиз маъқул" деган гапи ёдига тушиб, мийиғида кулиб қўяр эди. Бу олимнинг ўз касбидан мамнунлик аломати эди. Айни пайтда у кўплаб мамлакатларнинг илм-фан соҳасида бериладиган юксак унвонларию, мукофотларига муносиб кўрилган, шунингдек, атом энергиясидан тинчлик мақсадида фойдаланиш координацион кенгаши раисининг ўринбосари сингари юқори лавозимларга ҳам сайланган эди.

Улуғ Ғуломовнинг Ватани, халқини юрак-юракдан севиши, одамийлиги, бағри кенглиги, озгина шоиру санъаткорлиги, латифаю, аскияга усталиги, ҳозиржавоблиги каби фазилатларининг ўзи бир достон. Булар бари академик Ғафур Ғуломнинг академик ўғли Улуғ Ғуломовнинг замондошлари, дўстлари, касбдошларию, шогирдлари тилида ва дилида.

Олимнинг ҳаёт йўлига қисқача тўхталар эканмиз, беихтиёр қуйидаги сатрлар ёдга тушаверади:

Азиз асримизнинг
азиз онлари,
Азиз одамлардан
сўрайди қадрин
Фурсат ганиматдир
шоҳ сатрлар-ла,
Безамоқ чоғидир
умр дафтарин.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Рустам БОЙТЎРА.



O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !

«PGS» хусусий корхонаси
ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ:
- КИЧИК НОВВОЙХОНА, УНУМДОРЛИГИ — СОАТИГА 64 ТА БУХАНКА НОН;
- ЭЛЕКТР ЎЧОҒИ, МАИШИЙ ВА САНОАТ ҚОЗОНИ ОСТИГА;
- ЭЛЕКТР ИСИТГИЧ-КАЛОРИФЕРЛАР МАИШИЙ 20 КВ.М, САНОАТ 200 КВ.М;



- ЭЛЕКТР САНДАЛ (ТАНЧА);
- КАБОБ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ЭЛЕКТР УСКУНА;
- САУНА УЧУН ЭЛ.ЖИҲОЗ;
- МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚУРИТИШ УЧУН УСКУНАЛАР.

Товар сертификатланган, экологик тоза.
Телефонлар: 79-38-54, 79-15-70, 79-25-23.



Тошкент кимё-технология институти жамоаси ректор маслаҳатчиси, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги
Карим АҲМЕДОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Yaksart» хусусий фирмаси жамоаси бош директор Малика Караматовага онаси
Дилором УСМОНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ректорати ва жамоаси институт гистология кафедрасининг собиқ доценти
Худойберди РАҲМОНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0066. 22589 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Г]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5